



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 18 апрель, № 75 (6005)

Жума

Сайёҳлик индустрияси салоҳияти

пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида очилган “Дам олиш дунёси” Халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмасида кенг намоиш этилмоқда



Бугунги кунда Ўзбекистонда 900 дан зиёд сайёҳлик ташкилотлари фаолият юритапти.



Мазкур нуфузли тадбир “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги томонидан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар кўмағида ташкил этилди.

маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда. Бу юртимизга келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани мисолида ҳам яққол ифодасини топаёпти. Масалан, ўтган йили республикадаги 1 миллион 977 минг 600 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу соҳада хизматлар

кўрсатиш ҳажми 16 фоиз ўсди. Гузал ва бетакрор заминимизга бўлган қизиқишнинг ортиши жуда кўп омиллар билан изоҳланади. Хусусан, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий

мероси рўйхатига киритилган бўлиб, улар доимо хориқликларни қизиқтириб келган. Ана шуларни инobatга олиб, мустақиллик йилларида туризмни ривожлантиришга, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Ўзбекистон Республикаси-

нинг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«Moody's»:

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши таъминланмоқда

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» янги ҳисоботи 2014 йил 15 апрель куни нашр қилиниб, унга мувофиқ, кетма-кет бешинчи йил Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболлари «барқарор» даражада тасдиқланди.

ХУШХАБАР

Ушбу агентликнинг фикрига кўра, «барқарор» прогнози Ўзбекистон иқтисодиётининг, шу жумладан, иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар йўналтирилиши ҳисобидан юқори суръатларда ўсаётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг ўсишини таъминловчи манба ҳисобланган Ўзбекистон банкларининг барқарор даромадлари банк тизими ривожланиши истиқболларида ижобий таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторига киритилмоқда.

бошқа давлатларга нисбатан диверсификацияланганлиги ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги таъминлангани таъкидланмоқда. Шу билан бирга, «Moody's» агентлиги Ўзбекистон банклари активлари сифатининг барқарор динамикасига эътибор қаратиб, жумладан, капитал инвестициялар соҳасидаги ижобий ҳолат активлар сифатининг юқори даражада сақланиб қолишига асос бўлишини қайд этди.

2013 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари умумий миқдори 30 фоиз, охириги беш йилда эса ушбу кўрсаткич 3,6 баробар кўпайган.

(Давоми 2-бетда).

Британияда нашр қилинадиган “London Business Matters” журналининг апрель ойи сонида мамлакатимиз иқтисодиёти ва сармоявий салоҳиятига бағишланган “Ўзбекистондаги имкониятлар” сарлавҳали мақола чоп этилди.



БИЗ ВА ЖАҲОН

Эътибор Эътироф Ҳамкорлик

«London Business Matters»

Юртимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида

Унда мустақилликка эришилганидан сўнг мамлакатимизда ривожланишнинг “ўзбек модели”га таянган ҳолда, эркин бозор иқтисодиётга асосланган кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўли танлаб олингани қайд этилади. Мақолада 30 миллион нуфусга эга бўлган мамлакат аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши, мавжуд бой табиий захира салоҳияти, яратилган инфратузилма ҳамда юқори малакали ишчи кучлари республикада иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражага кўтарилиши ва ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоизни ташкил этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилгани ўз эътирофини топган.

Маълумки, ҳозирги пайтда юртимизда нефть ҳамда газ қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, транспорт, тоғ-кон ва металлургия соҳаларида 55,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 300 дан зиёд сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур мақолада макроиқтисодий барқарорликнинг асосий кўрсаткичла-

ри, фойдали қазилмалар захиралари ва энергетика мустақиллигига эга бўлгани ҳолда, турли русумдаги кўлаб енгил ва юк автомобилларини, қишлоқ хўжалиги техникаларини, кимё, тўқимачилик, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОРЛИК

Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, халқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Изланиш ва ташаббус

кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантирувчи муҳим омилдир

Бу мамлакат иқтисодиёти таркибида ижобий ўзгаришлар давом этаётганидан далolat беради, албатта. Хусусан, Бухоро вилоятида ўтган йилнинг ўзида 1540 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони 8724 тага етди. Бухоро шаҳридаги “Тола ипак текстиль” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай тадбиркорлик субъектларидан биридир. Мазкур корхонада умумий қиймати бир миллиард 150 миллион сўмлик лойиҳа муваффақиятли амалга оширилишида банк томонидан ажратилган 650 миллион сўмлик кредит қўл келди.

— Корхонамиз йилга 720 минг погон метр мато ишлаб чиқариш имкониятига эга, — дейди жамият раиси Миршод Ҳалимов. — Бошқача айтганда, у республикада шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи учта корхонанинг бири ҳисобланади.

Айни пайтда ўндан зиёд турдаги матоларимиз сифати, пишиқ-қиятли амалга оширилишида банк томонидан ажратилган 650 миллион сўмлик кредит қўл келди. — Корхонамиз йилга 720 минг погон метр мато ишлаб чиқариш имкониятига эга, — дейди жамият раиси Миршод Ҳалимов. — Бошқача айтганда, у республикада шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи учта корхонанинг бири ҳисобланади.

мато етказиб бердик. 2013 йилда эса бу юртимизда умумий миқдорда 592 миллион сўмлик маҳсулот сотган эдик.

Корхона жамоаси эришган ютуқлар замирида ишга янгича ёндашув ётибди, десак, асло муболаға эмас. Бу ўринда у Бельгиянинг “Пиконоль” компанияси тўғву дастгоҳлари билан жиҳозланганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗ



ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида сугориладиган экин майдонларини чигит экишга тайёрлашда қўлланиладиган, пушта остига минерал ўғит соловчи агрегатнинг такомиллаштирилган тури яратилди.

Бир пайтда уч вазифани бажаради

Маълумки, аънавий чигит экиш технологиясига мувофиқ, ер дастлаб шудгорланиб, баҳорда мола ёрдамида текисланади ва шундан кейин пушта олинади. Янги агрегат ёрдамида эса юқоридаги тадбирларнинг барчаси бир пайтнинг ўзида амалга оширилади. Натижада 41,1 фоиз ёнилги, 18,4 фоиз меҳнат сарфи тежаб қолинади.

— Бизнинг агрегатимиз фойдаланиш учун жуда қулай, — дейди лойиҳа муаллифи, доцент Зафар Ботиров. — Унинг ёрдамида гўза илдири ривожланадиган майдон 50 сантиметр чуқурликка юмшатилади ва минерал ўғитлар уч қатламга лента шаклида солинади ҳамда устига бир йўла пушта олиб кетилади. Бу эса гўза илдининг турли чуқурликда ўғитлардан озиқланишини осонлаштиради.

Агрегат синовдан муваффақиятли ўтди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташқи бозорга чиқиш мезони

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Попфен” хорижий корхонаси — Наманган вилоятининг фаол экспортчи корхоналаридан бири. Бу ерда пахта толасидан тайёрланаётган калава ипга халқаро бозорда хариддорлар тобора кўпайиб бормоқда.

Чунончи, 430 киши меҳнат қилаётган жамоа ўтган йили маҳсулотининг 80 фоизга ақин қисмини чет эллик буюртмачиларга етказиб бериб, 6,7 миллион АҚШ долларига тенг экспорт амалиётини бажарди.

— Сифат ва шартномалар ижросининг изчиллиги муваффақиятлар омили бўлмоқда, — дейди корхона лабораторияси мудири Феруза Тўйчиева. — “Попфен”

маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини янада ошириш учун бу икки жиҳатни фаолияти- мизнинг асосий мезонига айлантирганмиз.

Поплик ип йиғирувчилар жорий йилнинг дастлабки уч ойида хорижага 1 миллион 682 минг АҚШ доллариллик маҳсулот чиқариб, сезиларли ўсишга эришдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юқори босимга чидамли воситалар тайёрлаш ўзлаштирилди

Навоий шаҳридаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “AlpTechIndustrial” МЧЖ томонидан яқинда занглашга қарши ва юқори босимга чидамли суяқ воситалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— СКТ-10 маркали бундай воситалар, асосан, металлургия саноати корхоналари учун импортбоп маҳсулот ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари Шерзод Ёдгоров. — Ушбу маҳсулот минг даражадан юқори иссиқликка чидамли бўлиб, металл эритиш цехларида турли қолипларни ясада ишлатилади.

Корхона ишга тушиши билан 10 нафардан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Тез орада корхона жамоаси маҳсулот ҳажмини кўпайтириб, экспортга йўналтириш ҳаракатида.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сайёҳлик индустрияси салоҳияти

пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида очилган “Дам олиш дунёси” Халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмасида кенг намойиш этилмоқда.

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда Ўзбекистонда тўққиз юздан зиёд сайёҳлик ташкилотлари, жумладан, 430 меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият юрятапти. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари тақлиф этилаётгани туристлар оқимининг сезилари даражада ошишига замин яратмоқда. Айтилган, кейинги йилларда қатор янги халқаро авиарейслар очилди, бир қатор шаҳарларимиздаги аэропортлар модернизация қилинди. Шунингдек, замонавий поездлар қатновининг йўлга қўйилгани сайёҳликдаги имкониятларини янада кенгайтирди.

“Дам олиш дунёси” Халқаро кўргазмаси Ўзбекистонда баҳор — ёз сайёҳлик мавсумини очиб берадиган ўзига хос лойиҳа ҳисобланади. Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ва хорижий тuroператорлар ҳамда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритаётган кичик туристик бюрорлар ва агентликларга янги сайёҳлик мавсумида ўз туристик маҳсулоти бўйича тақлифларни илгари суришига ёрдамлашиш, хорижий ва маҳаллий корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиш, туризм бозорида таътил мавсумига оид стратегик режалар ишлаб чиқиш учун имконият яратишдан иборатдир. Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган мазкур анжуманда ўттиздан ортиқ хорижий сайёҳлик компанияси вакиллари иштирок этаяпти.

— Биз, асосан, Сингапур ва Индонезия давлатларига сайёҳларни тақлиф қилиш, уларга хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланамиз, — дейди Сингапурнинг “I-Asia” туристик компанияси ижрочи директори Эрик Яп. — Масалан, ўтган йили биргина Сингапурга 30 мингдан ортиқ туристнинг сафарини ташкиллади. Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ушбу кўргазма орқали нафақат ўз хизматларимизни таништириш, балки маҳаллий сайёҳлик компания ва фирмалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, келгусида икки томонлама фойдали лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Яқинда Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида тўғридан-тўғри авиакатнов йўлга қўйилгани бу борада катта қулайлик яратди. Юртингизнинг сўлим ва ҳушманзара табиати, бу ердаги қадимий осориюнавоқалар, меҳмонхоналар, сервис хизматлари ҳақида жуда яхши хабардорман. Бундай имкониятларга эга мамлакат ҳар қандай диди нозик сайёҳни ҳам ўзига жалб эта олади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз келажақда Ўзбекистонга хорижий туристларни тақлиф қилиш би-

лан ҳам шуғулланмоқчимиз. Халқаро кўргазмада хорижий халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва рестороанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳамда тақлиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ унгармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўлаб маълумот ва адабиётлар билан танишиш имконияти яратилган.

“Дам олиш дунёси” Халқаро кўргазмасида республикаимиз ҳудудлари ҳам ўз туристик имкониятларини кенг намойиш этмоқда. Бу йил, масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ўз стэндларини ташкил қилган.

Ушбу халқаро тадбир жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик бора-сидига улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компа-



ниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Икки кун давом этадиган кўргазма доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва мулоҳазалар алмашилади ва ҳамкорликда кўлаб лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланади.

Кўргазманинг биринчи иш кунда “Гастрономик туризм — рақобатбардош маҳсулот омили” мавзусида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Айтиб ўтиш жоизки, гастрономик туризм пазандчилиги билан боғлиқ барча туристик фаолият турлари, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотла-

рини ишлаб чиқарувчи компаниялар, гастрономик фестиваллар, озиқ-овқат ярмаркалари ва бу борада тажриба орттиришга хизмат қилувчи саёҳатлар мажмуидан иборатдир. Анжуманда мамлакатимиздага гастрономик туризмни ривожлантириш истиқболлари юқори экани алоҳида таъкидланди. Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўргазманинг иккинчи кунда “Ипак йўли лазазати” миллий охиона фестивали ўтказилади. Ушбу тадбир доирасида моҳир ошпазларимиз палов ҳамда бадиқ гўштидан таом тайёрлаш жараёнини кўрсатишди.

Шунингдек, сайёҳлик фирма ва компанияларининг тақдимотлари бўлиб ўтади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Қисқа сатрларда

● Бухорода “Юсак маънавиятли авлод” шиори остида ўтказилган республика ёшлар фестивалининг шаҳар босқичида 400 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Унда “Президент асарлари билимдони”, “Энг янги тарих билимдони”, “Энг иқтидорли хунарманд”, “Ўз асарига миллийликни акс эттирган расом”, “Ўз асарига миллийликни ифодалаган дизайнер”, “Ватан куйчиси” каби номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

● Тошкент вилоятида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасидаги тадбирларга танлик олимлар, шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, “Камолот” етакчилари, ўқувчи-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб этилди.

● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган “Обод юртининг бахтли кизлари” мавзусидаги учрашувда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, навқирон авлод камолоти йўлидаги эътибор, бу борадаги миллий қонунчилик ҳақида атрофлича маълумот берилди.

● Нукус шаҳрида соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар ниҳоясида “Биз — ягона оила фарзандларимиз!” кўргазмаси ва “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” ҳужжатли фильми намойиш этилди.

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган “Менин бизнес Ғош” республика танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 30 нафар иштирокчининг бизнес ғояси маъқулланиб, кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Ўн нафар битирувчи эса танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Moody's»:

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши таъминланмоқда

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Банк тизими капиталлашуви-ни ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар банклар жами капиталининг охириги беш йилда 3,5 баравар, 2013 йил давомида эса 25,1 фоиз ошишини таъминлади.

Банк тизими капитали етар-лилик даражасининг ушбу

кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисба-тан 3 баробар юқоридир. Рейтинг агентлигининг фикри-ча, 2014/2015 йиллар даво-мида кредитлаш ҳажмининг йилга 20 фоиз ошиши шари-отида капитал етарлилигининг жорий коэффицентини сақлаб қолиш учун «Moody's» реитин-гига эга бўлган Ўзбекистон банклари келгусида капитални

қўшимча ошириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари лозим. Ўзбекистон банкларининг жорий ликвидлик даражаси банк тизими барқарорлигини баҳолашда муҳим омиллардан бири бўлиб, қатор йиллар да-вомида 65 фоиздан юқори, яъни белгиланган минимал да-ражадан 2 баробар кўп миқ-дорни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ҳўжалик

ЖАРАЁН

Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги ривожидида суғурта хизматларининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шу боис кейинги йилларда бундай хизмат турларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бунга мос равишда суғурта ташкилотлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги субъектларига тезкор ҳамда сифатли хизматлар кўрсатилаётгани деҳқон ва фермерлар фаолиятини турли эҳтимоллардан ҳимоялаш баробарида, ишига ҳам барака киритаяпти.

Суғурта хизматининг янги турлари

аҳолининг унга бўлган ишончини мустақкамламоқда

“Ўзгросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компани-яси ўз мақсад ва вазифа-ларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган суғурта шартнома-лари бўйича олинган мажбу-риятларини бажариш бора-сидидаги фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда компаниямиз томонидан юридик ва жис-моний шахсларга 100 дан ортиқ турдаги суғурта хиз-матлари тақлиф этилаётган бўлса, шундан 40 таси қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси-дир. Айни чоғда қишлоқ ҳўжалиги вакилларининг экинлар ҳосили, чорва мол-лари ва паррандалар, мол-мулклари ҳамда молиявий муносабатларини суғуртавий ҳимоялаш учун хизматлари-миздан кенг фойдаланаётга-нини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган йили таби-ий офатлар натижасида эки-ни зарар кўрган фермер ҳўжалиқларига 1,3 миллиард сўмлик, имтиёзли кредит маблағларининг қайтарил-маслик хавфини суғурталаш бўйича 1,5 миллиард сўмлик суғурта товонлари тўлаб бе-рилгани бунинг тасдиғидир.

Бухоро туманидаги “Ихти Бекзод Муҳаммад”, Катта-кўрғон туманидаги “Ендала АЖС”, Янгиқўрғон туманида-ги “Бекмирза Дилмурод Жўрабек”, Қонлиқўл тумани-даги “Уббигалиев Талгат”, Зангиота туманидаги “Рус-тамбек Турсунбек”, Оптиариқ туманидаги “Холматжон” фермер ҳўжалиқлари айнан шундай хизматларимиздан фойдаланган қишлоқ мулк-дорлари сирасидан. Умуман, суғурта хизматла-ри кўрсатилишида мижозлар учун бир қатор энгилликлар берилаяптики, бу ҳам улар билан ҳамкорликни кенгайти-ришда айни муддао бўлаёт-тир. Хусусан, жорий йилдан бошлаб фермер ҳўжалиқла-рига экинлар ҳосили бўйича суғурта таваккалчилик сони 14 тадан 17 тага кўпай-тирилди. Суғурта тарифлари ҳар бир таваккалчилик тури-дан келиб чиқиб, алоҳида белгилангани эса уларга тан-лаш имкониятини берди. Бундан ташқари, агар фермер ўз ҳўжалигини бар-ча қалтисликлардан суғур-та қилдирса, тариф 10 фо-изга камайтирилди. Кетма-

кет уч йил давомида суғур-та қилдириб, суғурта тово-ни олмаган тақдирда эса, кейинги йил учун шартно-ма тузишда 30 фоизлик им-тиёз белгиланди. Бугунги жадал тараққёт даври замонавий ахборот-коммуникация технологияла-ридан унумли фойдаланиш-ни тақозо этмоқда. Компа-нияимизда айни шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаёт-гани маълумотлар алмашиш, уларни сақлаш ва қайта иш-лаш, қисқача айтганда, ми-жозлар билан алоқаларни то-бора мустақкамлашда муҳим оми-л бўлаяпти. Буларнинг бари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, фермер ва тадбиркорларнинг барқарор фаолият юритишини таъмин-лаш, пировардида мамлака-тимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаёт-гани билан аҳамиятлидир.

Абдурашид ВАХОБОВ,
«Ўзгросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг қишлоқ ҳўжалиги ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш бўлими менежери.

юритувчи субъектлар депозитла-ри ва аҳоли омонатлари, шу-нингдек, молиялаштиришнинг бошқа манбалари келгусида банк тизими ликвидлигини таъмин-лашга хизмат қилади. Жумладан, тижорат банкларидаги депозит-ларнинг умумий ҳажми охириги беш йилда 4,1 баробар, 2013 йилда эса 30,2 фоиз ошган. «Moody's» агентлиги томони-дан прогноз даврида Ўзбеки-стон банкларининг ликвидлик ва даромадлилик кўрсаткичлари-нинг барқарор даражада сақ-ланиб туриши кутилмоқда. Умуман олганда, «Moody's» агентлигининг таъкидлашича, 12 — 18 ойни ташкил этувчи прогноз даврида мамлакат иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатлари банклар учун қулай амалиёт муҳитини таъ-минлайди.

И. ЎТБОСАРОВ.

Изланиш ва ташаббус

кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантирувчи муҳим омилдир

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Дарвоқе, “Тола ипак текстиль” МЧЖ тадбиркорлари мазкур компаниа билан яна 14 та тўқув дастгоҳи харид қилиш юзасидан шартнома тузган. Жорий йилда шу мақсад рўёбга чиқиши билан корхона фаолияти янада кенгайтирилади, қўшимча тарзда ўнта иш ўрни яратилади. — Бухоро энгил саноат касб-хунар коллежида тахсил олганман, — дейди ишчи Дилфуза Шарипова. — Илгари “Бухоротекс” хис-садорлик жамиятида ишлаб, касб маҳоратини оширдим. Шу боис замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган “Тола ипак текстиль” МЧЖда ишлаш менга қийинчилик туғдирмади. Бу ерда самарали меҳнат қилиш учун бар-ча шарт-шароит етарли. Ишлаб, оиламиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Дарҳақиқат, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ни ривожлантириш борасида кат-та ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада модернизациялаш ва техно-нологик янгиллаш жараёнлари из-чил давом эттирилаяпти. Жорий йилда ушбу йўналишдаги дастур-лар доирасида 1680 та бизнес лойиҳа амалга оширилиши режа-лаштирилган. Бу — яна 14 минг-дан зиёд киши иш билан таъмин-ланади, деганидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«London Business Matters» Юртимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мамлакатда фаолият юри-таётган иқтисодий ва ин-дустриал зоналар замона-вий транспорт ва логис-тика инфратизимига бог-ланган юқори технология қўшма корхоналарини ту-зишни мўлжалга олганки, бу ривожланиб бораётган бозорларга маҳсулотни тўғридан-тўғри экспорт қилиш имкониятини таъ-минлайди. Корхоналар учун солиқ сиёсатида раг-батлантиришлар мавжуд, шу жумладан, солиқ ва божхона тўловларидан озод этиш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб белгиланган имти-ёзлар яратилган”, дея ёзи-лади нашрда.

Шу билан бирга, “London Business Matters” журнали ўз ўқувчиларини савдо-иқтисодий соҳадаги Британия — Ўзбекистон ҳамкорлиги тажрибаси билан таништирар экан, мамлакатимизда 100 фоиз Британия капитали асоси-даги 110 дан зиёд, Буюк Британия капитали ишти-рокидаги 200 дан ортиқ компания фаолият кўрс-атаётгани қайд этди. “Улар орасида “UzBAT”, “Rio Tinto”, “Worley Parsons”, “ITE” ва бошқа компаниялар бор”, дея қайд этилади мақолада.

Хусусан, “ҳар йили на-вбат билан Тошкентда ва Лондонда ўз йиғилишла-рини ўтказадиган Савдо

ва саноат бўйича Ўзбе-кистон — Британия кен-гаши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқти-содий ва сармоявий ҳам-корликка кўмаклашишга даъват этилган асосий икки томонлама форум ҳисобланиши” алоҳида таъкидланади.

“London Business Matters” журналхонлари Ўзбекистонда муваффақи-ятли бизнес юритиш ва сармоявий фаолият олиб боришга оид маълумотлар билан ҳам қисқача таниш-тирган. Нашр мамлаката-миз сармоявий қонунчили-ги минтақадаги энг илфор қонунчиликлардан бири эканлигини ва у халқро сармоя ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўзида мужас-самлаштирганини эъти-роф этади.

Ушбу журнал Буюк Британияда аккредитация-дан ўтган энг йирик ва нуфузли палаталардан бири — Лондон Савдо-са-ноат палатасининг рас-мий нашри ҳисобланади. Унга 1881 йили асос солинган. Шундан бўён жаҳон молиявий-иқтисо-дий марказларидан бири бўлган Лондондаги ишби-лармон доиралар тизими-да халқро савдо-сотик ва рақобатбардошликни оширишга кўмаклашиш мазкур нашр фаолияти-нинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

«Жаҳон» АА.

Фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан семинар ташкил этилди.

СЕМИНАР

Унда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини ёритиш бо-расида журналистларнинг билимларини, фуқаролар-нинг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишда уларнинг фаол иштироки-ни таъминлаш масалала-ри муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси-нинг жорий йил 10 март-даги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, дав-лат органлари, жамоат ташкилотлари, марказий ва ҳудудий матбуот вакилла-ри қатнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқаро-лик жамиятини изчил ра-вонақ топтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун зарур ташки-лий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у изчил тақо-миллаштириб борилаёттир. Бир қатор қонунлар, дав-латимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июндаги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожланти-ришга кўмаклашиш бўй-ича чора-тадбирларга оид ва бошқа бир қатор қарорлари соҳада муҳим дастуриламал бўлаяпти. Шулар асосида ННТларни фуқаролик жамияти институтлари тизимида жадал тараққий топтириш, уларнинг ҳақиқий муста-қиллигини таъминлаш, давлат томонидан сама-рали кўллаб-қувватлани-ши асослари, уларнинг ахборотдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари мус-тақкамлаб қўйилди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтлари-

ни кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бош-қариш бўйича Парламент комиссияси фаолиятини йўлга қўйилиши бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

Президентимиз томони-дан илгари сурилган Мам-лакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш концепциясидаги ғоя, тақлиф ҳамда қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши эса жабҳада янги уфқларни очиб берди.

Тадбирда Президентимизнинг 2013 йил 12 де-кабрдаги “Фуқаролик жа-мияти институтларини ри-вожлантиришга кўмакла-ш чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори долзарблиги ва ўз вақтида қабул қилин-ганлиги алоҳида эътироф этилди. Зеро, унга кўра, 2014 йил 1 январдан бош-лаб ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божлари ставкалари 5, уларнинг раамзлари-ни давлат рўйхатидан ўтка-зиш учун йиғимлар миқдо-ри 2,5 баробар камайти-рилди. Бу эса ННТлар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва жараёнларни тақомиллаш-тириш ҳамда соддалашти-ришда яна бир салмоқли қадам бўлди.

Тадбирда журналист-лар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари му-лоқот қилишди, ўзаро таж-риба алмашишди, соҳада доир мавзуларни ёритиш-нинг замонавий мезонла-ри кўриб чиқилди. Яқунда тегишли тақвиятлар ишлаб чиқилди.

С. МАХСУМОВ.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Хитойлик муҳандис-дизайнер Ян Лу кишиларни кўл юваётганда сувни тежашга ундаш йўлини ўйлаб топди.

Таъсирчан усул

У «Бечора балиқча» номи озу-кўл ювчи (умивальник) яратди. Мазкур курилма тилла балиқча сузиб юрадиган думалоқ аквариум ва жўмракдан иборат.



Кўлингизни юва бошлаганингизда, аквариумдаги сув камаю бошлайди. Шу тарика сувни тежамсангиз ёки жўмракни беркитмансангиз, у ҳолда балиқча ўлиб қолади. Идишдаги сув микдори жўмрак ёпилгандан сўнггина аввалги ҳолатига қайтади.


Ташхис ноаниқ экан

Таниқли ёзувчи Габриэль Гарсия Маркеснинг саратон хасталигига чалинган ҳақидаги хабар ёлгон эканлиги маълум бўлди.

Бу ҳақда Маркеснинг энг яқин дўсти, Колумбия президенти Хуан Мануэль Сантос мамлакат телевидениесига берган интервьюсида алоҳида таъкидлаб ўтган. Маълум бўлишича, шу йил апрель ойининг бошларида 87 ёшли ёзувчининг соғлиги ёмонлашгани туфайли у бир hafta мобайнида шифохонада даволанган. Тиббиёт мутахассислари унга «пневмония» ташхисини қўйишган. Бироқ ОАВ нашларида «Маркес саратонга чалинди» деган хабарлар учриб кетган.

Марсда ҳосил етиштириш мумкин

Голландиянинг Вагенинген университети эколог Вигер Умлинк гаройиб тадқиқот ўтказди.



«Франс пресс» хабарида айтилишича, олим Марс сайёрасиникига ўхшаш тарикбга эга тупроқда 14 турдаги ўсимликни етиштирган. Бу наботот турлари 50 кунда ҳосилга кирган. Эътиборлики, ушбу тупроқ экологга НАСА томонидан тақлиф этилган эди. Мутахассислар яқин ўн йилликда инсоният «қизил сайёра»да ҳам деҳқончилик билан шуғулланиши мумкинлигига катта умид боғлашмоқда.

Трамвай экологияга зарар етказмайди

Варшава шаҳрида трамвайнинг атроф-муҳитга зарар етказмайдиган транспорт эканлигини яшил майса воситасида акс эттиришга қарор қилинди.



Шу боис айрим йўналишларда ҳаракатланувчи трамвай излари бўйлаб майсазорлар ташкил этилди. Айтиш жоизки, бундай ўзига хос тажриба шу пайтга қадар дунёнинг бошқа қўллаб мамлакатларида ҳам қўлланилган. Масалан, Монпелье ёки Страсбургдаги трамвай йўллари яшил майсалар билан қопланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ

Халқимизда фарзандни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо эътиборда бўлган.

Ахборот технологиялари кадрлар малакасини оширишда алоҳида ўрин тутади

Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада, айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш, ўқитувчи-педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилга «Соғлом бола йили» деб ном беришларининг ўзидек навқирон авлоднинг баркамол шахс этиб тарбиялаш негизлиқ муҳим вазифа эканлигини аниқлади.

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваллаб, фарзандларимизнинг униб-ўсиби, улғайиши, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Шу билан бирга, ўғил-қизларимизнинг билимдонлиги, дунёни аниқлаш имконияти уларга замонавий таълим-тарбия бераётган устозларнинг касб маҳорати билан

чамбарчас боғлиқлиги инobatга олинган ҳолда, қатор маънавий-маърифий ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган амалий семинарлар, маънавий-маърифий тадбирлардан қўзланган мақсад ҳар бир боланинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, ўз бахти ва келажаги учун замин яратишга, эл-юрт олдидаги масъулиятни сеза оладиган, инсонпарвар бўлиб камол топишига эришишидир. Чунончи, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам навқирон авлоднинг таълим олиши, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиши, ўқитувчи-мураббийларнинг масъулиятини оширишга оид вазифалар белгилангани, бу, ўз навбатида, педагогларимизнинг касб маҳоратлари муттақили ошириб боришларини тақозо этади.

Бугун республикаимизда қарийб 110 мингдан зиёд бошланғич синф ўқитувчилари ишлаётган бўлса,

Тошкент вилоятининг 883 та умумий ўрта таълим мактабидида 8297 нафар ана шундай ўқитувчи фаолият юритаяпти. Уларнинг фаолигини ошириш, ўз устида изланишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида «Маҳорат мактаблари» фаолияти ётказилди. Айни пайтда вилоятнинг

амалий машғулотлар, учрашув, тренинг ҳамда давра суҳбатлари, ижодий кечалар ташкил қилиниб келинмоқда. Савол туғилади: «Хўш, олиб борилаётган бу тадбирлар қандай самара бераёпти?» Гап шундаки, тингловчиларнинг малака ошириш сабоқларидан кейинги фаолияти-



да самарадорликни ошириш ҳамда узлуксизлик, изчилликни таъминлаш мақсадида истиқболли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Бундан тингловчи фаолият кўрсатаётган ва уни малака ошириш курси-курслари ҳамда таълим муассасаси билан «қайта алоқа»ни йўлга қўйиш ва унинг курсдан кейинги фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар банкни шакллантириш ҳамда таҳлил қилиш кўзда тутилганки, бундай ўзига хос иш услуби таълим сифатини яхшилашнинг муҳим шартларидан биридир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация

технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, давлат бошқарув идораларида ҳар 100 нафар ходимга 40 та компьютер туғри келиши белгиланган бўлиб, институтиимизда мазкур кўрсаткичнинг ижроси таъминланган. Бундан ташқари, институтида 18 та видеопроектор, 2 та кўп функцияли курилма, 3 та нуска кўчириш курилмаси ва 16 та принтер мавжуд.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида таълим ва тарбия ҳусусида шундай дейилади: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, оғли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади». Ушбу сўзлар фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятига айланади, самарадорликка эришишимизда муҳим дастуриалмаъл бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация

ИЗЛАНИШ

Гулистон шаҳридаги «Само гавҳари» оилавий қорхонасида тайёрланаётган болалар каравотини кўтармасдан кўчириш мумкин. Бу борада унга ўрнатилган гилдираклар қўл келади.

Ўзи қўчадиган болалар мебеллари

Ундаги бўлмалардан кичик жавон сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Ҳозир қорхонада ана шундай қўллаб қўйишга эга 27 турдаги болалар мебелли ясалаяпти. Муҳими, улар сифати ва эрозонлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

— Тикувчилик йўналишимиз ҳам бор. Унда, асосан, болалар кийимлари тайёрлаймиз, — дейди тадбиркор Маммура Жамолова. — Яқинда бизга 8 сотик ер ажратилди. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтиришимизда қўл келади.

Вилоятда бундай оилавий тадбиркорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бунда, албатта, уларнинг ташаббуслари жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда молия муассасалари томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги муҳим омил бўлаётди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакатимизда кўламазорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари янгиланиш ҳамда яшариш фасли бўлган баҳор пайтида янада авж олади. Бу эзгу амаллар Соғлом бола йилида кенг қўлаб касб этгани, айниқса, қувонарлидир.

Дарҳақиқат, «Ҳар бир фарзанд учун бир кўчат» шиори остида республикаимизнинг барча ҳудудларида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, янги боғлар яратилаяпти. Зеро, тупроғи — олтин, суви — зар, иклими — бебаҳо юртимизда боғлардан мўл ҳосил олиш имконияти катта. Шу боис ҳам боғ яратиш, элу юрт фаровонлигини ошириш халқимизнинг азалий удумига айланган. Аммо бу барча бирдек эплаши мумкин бўлган, осон ва тез битадиган иш эмас. Бунинг учун хоҳишу истақдан ташқари, тажриба ва билим, қолаверса, маб-

лағ ҳам зарур бўладики, буларнинг барчаси ишбилармонликни талаб қилади.

Шу маънода, ушбу жараёнда молия муассасалари ўз хизматлари билан фаол иштирок этаётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари, айниқса, деҳқон ва фермерларнинг осирини енгил қилаётди. Бу борада, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфра-тузилмасини такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратишда тадбиркор ва фермерларнинг яқин ҳамкорлига айланган «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан ўзига хос тажриба тўпланган, десак, муболага бўлмайд.

Буни «Агробанк» ОАТБ молиявий кўмаги билан интенсив боғлар ташкил қилиб, юқори натижаларга эришаётган фермерларнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик

Рашид СОДИҚОВ, «Қошчи-Қурбонбой» агрофирмаси раҳбари (Тўрткўл тумани):

— Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қаторида боғдорчиликка ҳам илмфан ютуқлари, жаҳоннинг илғор тажрибаси жадал татбиқ этилмоқда. Бу соҳада янги йўналиш — интенсив боғдорчилик ўзлаштирилишига катта туртки бўлди. Мазкур технология асосида пакана ва яримпакана боғлар барпо қилиш тажрибаси дастлаб айрим ҳудудларда қўлланилган самарани бергач, у мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, хусусан, Оролбўйи минтақасида ҳам қўлланила бошланди.

Биз бу борадаги лойиҳани амалга ошириш учун «Агробанк»нинг молиявий хизматидан унумли фойдаландик. Банк филиали томонидан ажратилган 100 млн. сўмлик кредит ҳисобидан хориждан олма, ўрик, нок каби мевали дарахтларнинг пакана навларини олиб келиб, салкам 4 гектар майдонда боғ яратдик. Бугун боғимизга келган киши-

нинг кўзи қувнайди. Ҳар бир ниҳол баравж ривожланаёпти. Уларнинг иккинчи йилданок мева бера бошлашини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳадемай, юртдошларимиз боғимиз ҳосилидан баҳраманд бўладилар.

Келгусида ҳам фаолиятимизни кенгайтириши, янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришида ишончли ва доимий ҳамкоримизга айланган «Агробанк»нинг молиявий хизматларига таянамиз, албатта.

Анваржон ҒОҒУРЖОНОВ, «Уста Ғоғур темирчи» фермер хўжалиги раҳбари (Риштон тумани):

— Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган ибратли мақол бор. Зеро, қўчат экиш энг саовобли амаллардан, ободликнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Шу боис халқимиз азал-азалдан сўлим боғроғлар барпо этишга алоҳида меҳр билан ёндашади. Мустақиллик йилларида фермерларнинг бу борадаги ташаббуслари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, ти-

Мухаммадшо ШАРИПОВ, «Меърож» фермер хўжалиги раҳбари (Марҳамат тумани):

— Интенсив боғлар анъанавий боғларга қараганда бир неча баробар кўп ҳосил етиштириш, сув ва бошқа табиий ресурсларни тежаш имконини бериши туфайли бизда шундай боғ яратиш фикри туғилган эди. Бироқ уни амалга ошириш учун катта маблағ талаб қилиниши бир оз ўйлантриб қўйди. Шундай пайтда «Агробанк» бизга ёрдам қўлини чўзди. Банкнинг Марҳамат филиалидан берилган 195 млн. сўм миқдоридида кредит шарофати билан 13 гектар ерда интенсив боғ барпо қилдик. Боғимизда хориждан келтирилган мевали дарахт кўчатлари парвариланаёпти. Бунга доимий ишга қабул қилинган маҳалламиздаги 5 нафар ёш масўул.

Боғдорчиликни йўлга қўйиб, янги иш жойлари яратилиши учун ақиндан ёрдам берган «Агробанк» жамоасидан миннатдоримиз.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Advertisement for Toшкент труба заводи» ҚҚ. Features include: «Тошкент труба заводи» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади. (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган). Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб. Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170. Тўрт бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 850 000 сўмдан бошлаб. Бундан ташқари, қўшма қорхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга тақлиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for «Kochmas Mulk Savdo Xizmati» MCH. Features include: «Қашқадарё вилояти филиали» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади. 1. Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон, Занжирсарой шохқўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 162 784 100 сўм. 2. Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 229 027 400 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 6 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 2 май куни соат 18.00. Қўшма мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kochmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz. Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for «Qoraqalpog' mulk markazi» MCH. Features include: «Qoraqalpog' mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади. Аукцион савдосига Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 13 январдаги 23-1305/12482-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, 3-сонли қурилиш бошқармасида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 7930 ЕЛ бўлган «New Holland» русумли экскаватор-юклагич (погрузчик) тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 228 975 550 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 30 апрель куни соат 18.00. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги транспорт воситаси 2 майдига савдода сотилмаган тақдирда, унинг тақрорий савдоси 2014 йил 20 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 16 май соат 18.00. Транспорт воситаси билан Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Qoraqalpog' mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Туронбанк» Нукус шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374. Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.rmm.uz. Гувохнома № 9506.

Соғлом турмуш гарови

...Умаржоннинг тасодифан йиқилиб, оёғидан қаттиқ лат ейиши Равшан ака билан Дилдора опани ташвишлантириб қўйди. Уни шифохонага элтди. Даволатишди. Докторлар ҳам йиғитчадан ёрдамларини аямашди. Аммо унинг оёғини асл хилга келтириш мушкул бўлди. Жараҳатнинг асорати қолди. Умаржон бир оёғини бука олмаслигидан изтироб чекиб юрди.

арзандини бундай аҳволда кўрмоқ ҳеч бир ота-онага осон эмас. Равшан ака ўғлининг кўнглига йўл излади. Ҳақиқат мураббий бўлгани учун Умаржонни машғул ўтказиладиган залга етаклаб борди. "Қузат, томоша қил. Рўҳингни чўктирма. Дадил бўл!" деди. Ота шу тарихи ўғлини журъатли бўлишга ундади. Қарангки, бу усул иш берди. Томошани бўлиб ўтиришга Умаржоннинг гурури йўл қўймади. Татамига чиқиб, чигалёзди машқар қила бошлади. Отаси ўтказиладиган машғулотларни ўзи билганча такрорлаб, уларни ўзлаштириб борди. Шу тарихи бир, икки, уч... олти

ой ўтди. Спортнинг мўъжизакор кучини қарангки, Умаржоннинг оёғи буткул тузалиб кетди. Пировадиди у катта-кичик мусобақаларда қатнашиб, совриндорлар сафидан ўрин олишга киришди. Жанговар самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Терма жамоа сафидида 2012 йилда ўтказилган жаҳон кубоғи бахсларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

— Спорт билан оилавий шугулланамиз, — дейди Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича бosh мураббийи Равшан Каримов. — Раҳматли отам Раҳим Каримов Ўзбекистондаги биринчи оғир

атлетикачилардан эдилар. У киши мени таниқли курашчи, жаҳон чемпиони Собир Қурбоннинг хузурига бошлаб келганлари кечагидек эсимда. Қарамон ислги акам бокс бўйича, укам Улғубек

МАТОНАТ

эркин курашда спорт усталигига номзод. Юсуф акам спорт устаси эди. Ўзимга келсак, миллий кураш ва самбо бўйича спорт устасиман. Бўёғини сўрасангиз, турмуш ўртоғимни ҳам стадионда топганман. Спортнинг энгил атлетика тури билан шугулланаётганида у билан танишиб қолганмиз.

Равшан ака хонадонидида уч ўғил вояга етди. Учаси ҳам ота-она изидан бориб, спортга ошно тутинишди. Тўнчғи фарзанд Умиджон дзюдо бўйича спорт усталигига номзод. У — кўлаб мусобақалар совриндори. Айни

дамда тadbиркорлик билан ҳам шугулланаяпти. Аммо ўз таъбири билан айтганда, машғул ўтказмас, бир нарсасини йўқотиб қўйгандек юради. Кенжа ўғил Рустамжон Бухоро Олимпия захиралари спорт коллежидида таҳсил олаёпти. Миллий кураш ва дзюдо бўйича спорт усталигига номзод. Дарвоқе, яқинда у Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади. Бу хонадоннинг энг кенжа вакили — Равшан аканинг тўрт ёшли невараси Муаззамжон ҳам яқинда бадий гимнастика билан мунтазам шугулланишга киришди.

— Спортга ошно хонадонларни кузатсангиз, уларда вақт қадрига етadиган, ёшу кексангиз хурматини жойига қўядиган, элу юрт ишига камарбаста ўғил-қизлар вояга етаётганига гувоҳ бўласиз, — дейди маҳалла фаолларидан бири, "Шухрат" медали соҳиби Едгор Саноев. — Аббос Атоев,

Акобир Қурбон, Рустам Тўраев сингари таниқли спортчи ва мураббийларнинг спортда ўз ўринларини топишида, энг аввало, оила муҳити катта роль ўйнаган.

— Ёшларнинг тўрт мучаси соғ, бақувват бўлиб вояга етишида оилавий спортнинг ўрни ва аҳамияти бешиққа катта, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази олий тоифали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Т. Тўраев. — Шу боис биз хузуримизга келган бемор болаларга жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланишни маслаҳат берамиз. Чунки спорт организмни чиниктиради, иммунитетни мустаҳкамлайди, иродани тоблаёпти.

Шифокорнинг фикрини давом эттириб айтмоқчимизки, спорт ҳаёт мазмунига айланган оилада соғлом муҳит ҳукм суради. Бундай оила соғлом фикрлайди. Ҳақиқатда сўз юритганимиз Равшан аканинг хонадонини мисолида бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Истам ИБРОҲИМОВ.

МУЛОҲАЗА

Бугун энг оммавий спорт тури қайси? Футбол дейсизми? Тўри. Лекин яқин йилларда шахмат бу борада нафақат футболнинг, балки барча спорт турларини ҳам ортда қолдирса, ажаб эмас. Бундай фикрга боришимизга сабаб бўладиган айрим омиллар борки, мазкур мақолада шу ҳақда сўз юритмоқчимиз. Хулоса қилиш ўзингиздан.

ШАХМАТГА ҚИЗИҚСАНГИЗ, АСЛО ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Футбол билан бугун дунёда қанча одам шугулланади? 10 миллион, 50 миллион ёки 100 миллиондир? "Ақл гимнастикаси" билан-чи? Маълумотларга кўра, ҳозир Ер юзидида 500 миллиондан зиёд киши шахмат билан шугулланар экан. FIDE мутасаддилари яқин келажакда ушбу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш ниятида ҳаракат қилишмоқда.

Айтиш жоизки, Германия, Франция, Венесуэла каби давлатларнинг айрим ҳудудларида мазкур спорт тури умумтаълим мактабларида ҳам сифатида ўқитилади. Европада клублар ўртасида мамлакатлар ва қитъа биринчилиги йўлга қўйилганлигига аниқ бўлди. У ерда яна шахмат ҳамда бокс аломатларини ўзида бirlаштирган "шахбокс"и янги спорт тури — ҳам ривожланиб бораёпти...

Бундан ташқари, бугун таниқли мутахассислар томонидан шахматни бошқа спорт турларига татбиқ этиш борасида қатор фикрлар илгари сурилмоқда. Масалан, Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби собик бosh мураббийи сэр Алекс Фергюссон "миллионлар ўйини" ва "ақл гимнастикаси" ўртасидаги боғиқликни тўғрилади. Футболчи шахматни билиш нақадар кераклигини таъкидлаб, жумладан, шундай дейди: "Рақиб дарвозаси яқинида юқори маҳоратли футболчилар нимаси билан фарқ қилади? Албатта, тўғри қарор қабул қила олиш малакаси билан. Ҳар доим шогирдларимизга шу ҳақда таъкидлаймиз. Агар яна қайтадан мураббийлик фаолиятини бошласам, шогирдларимни шахмат ўйнашга мажбур қилардим. Чунки бу ақлни чарқалайди, диққатини жамлаш қобилиятини ривожлантиради. Тезкор қарор қабул қилиш ҳиссини шакллантиради".

Бугун бутун дунёда, айтилмай, 8-9 ёшли шахматчилар "қария" ҳисобланади. Утмишда эса, масалан, машҳур "ақл гимнастикаси" усталари — Говард Стоун (1810 — 1874) 20 ёшидан, биринчи жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц (1836 — 1900) 12 ёшидан, Зигберт Тарраш (1862 — 1934) 16 ёшидан шахмат билан жиддий шугуллана бошлаган. XX асрга келиб,

ушбу спорт тури анча оммалашини натижасида уни эртароқ ўрганиш ҳолати кузатилади. Мисол учун, жаҳон чемпиони биографиясига назар ташласак, Роберт Фишер, Вишванатан Ананд 6 ёшида, Макс Эйве, Рустам Қосимжонов ва Магнус Карлсен 5 ёшида, Хосе Рауль Капабланка эса 4 ёшида бу кўна ўйин қоидаларини ўзлаштириб олган.

Яқин шахматчи бўлиш учун оилада шахмат муҳити ҳам яратилиши керак. Юртимизда эса бундай оилалар кўп: олимпиадалар, турнирлар, самарқандлик Хамроқуллов ва Воҳидовлар, сирдарёлик Хайлаевлар, андижонлик Каримовлар ҳақида кўп эшитгансиз. Сўнги йилларда мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда оилавий ҳимоя қилдиган шахматчилар сафи янада кенгайди. Фарғоналик Мўминова (Тоҳиржон)лар, тошкентлик Абдусатторовлар ва Синдорлар, хоразмлик Ёқубовлар ҳали мактабдалигидеяқ эришадиган муваффақиятлар барчасини хурсанд қилади.

Мутахассислар ушбу интеллектуал ўйинни болаларга 3-4 ёшдан ўргата бошлаш малакасида беришади. Албатта, бунда боланинг қизиқишлири ва қобилияти муҳим аҳамиятга эга.

8 ёшли болалар ўртасида жаҳон чемпионлигига эришган Нодирбек Абдусатторов тўрт ёшида отаси ва амакиларининг шахмат ўйинларини кузатиб, юришларни ўзи ўрганиб олган. "Унга ҳеч биримиз "манави от, у мана шундай юради, буниси руҳ, у бундай юради", деб ўргатмаганмиз", дейди чемпионнинг отаси Фахриддин Очилов. Нодирбек 5 ёшида спорт усталигига номзод бўлиб, ўзига хос рекорд ўрнатган бўлса, 8 ёшида яна бир рекордини янгилади — FIDE устаси бўлди! 6 ёшли болалар ўртасида Осмб чемпионатининг бир йўла учта олтин медалини кўлга киритган Исламбек Синдоровни айтмайсизми?! У ҳам тўрт ёшдалигидеяқ акаси Жаҳохир билан Сергели туманидаги шахмат мактабига қатнаб, "ақл гимнастикаси" сирларини ўргана бошлади. Бугун Исламбекка ҳавас қилади-ганлар қанча.

Қисқаси, шахматни ўрганиш ва фарзандларингизга ҳам ўргатиш. Бу спорт турини ўзлаштирсангиз, асло ютқазмайсиз.

Ҳусан НИШОНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Спорт турлари ичиди фақат "Формула — 1" пойгала-рида аёллар ва эркеклар совринли ўринлар учун тенгма-тенг кураш олиб боришлари мумкин.

Пойгада аёллар ҳам қатнашади

Шунга қарамай, мазкур мусобақа тарихида, бор-йўғи, беш нафар хотин-қиз ўз имкониятини синаб кўришга журъат қилган. Улардан фақатгина италиялик Лелла Ломбарди 1975 йилда ташкил этилган пойгаларнинг битта Гран-при-сида очко ишлашга муваффақ бўлган. "Формула—1"да Лелладан кейин бу натижани бошқа бирорта аёл спортчи қайтара олмади.



Замонамизнинг энг кучли теннисчиларидан бири Рафаэль Надаль дастлаб ракеткани ўнг қўлида ушлаган экан.

Чап қўлдаги муваффақият

У ўн икки ёшга тўлганида, тоғаси Рафаэлга ракеткани чап қўлида тутишни ўргата бошлайди. Аввалида бунга кўникишга қийналган бўлажак теннис юлдузи аста-секинлик билан чап қўлда ўйнашни ҳам мукамал ўзлаштириб олган. Унинг бу машақатлари тезда натижа берди. Спортчи ҳозирги пайтга қадар 13 марта "Катта дубулга" туркумига кирувчи турнирларда бosh совринни кўлга киритди. Бундан ташқари, бир неча йилдан бери дунёнинг энг кучли теннисчилари рейтингидида юқори поғонани банд этиб турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, Надальнинг чап қўлда ўйнаши мусобақаларда унга катта устунлик беради ва айнан шу жиҳат унинг муваффақиятларини таъминлаёпти.

Фахриддин АБИЛОВ тайёрлади.

Бу йил пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарида Жиззах вилоятидаги "Зомин сайқали" фольклор-этнографик халқ жамоаси томонидан намойиш этилган саҳна томошаси — "Ота говго" миллий ўйини кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Қадимий ўйин

Маълумки, мазкур қадимий ўйин, асосан, мамлакатимизнинг тоғли қишлоқларида, чўпонлар орасида кенг оммалашган. Унда 6 ёки 8 киши қатнашади. Уларнинг вазифаси ўртадаги толтовоқ ёки чукучрага сизир жунидан тайёрланган коптокчани таёк билан уриб тушириш ҳисобланган. Бу жараёнда чаққонлик, эңчиллик ва аниқлик талаб этилган. Ўйин давомидаги ҳазил-мугтойба, қизикарли беллашувлар, аниқ ҳаракатлар болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш, жисмонан эңчил ва бақувват бўлишларида муҳим ўрин тутган. Қолаверса, "Ота гов-гов" инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат фазилатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Улғубек АДИЛОВ.

СПОРТНИНГ СИРЛИ

Спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида Осмб чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари шу йилнинг август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинлари учун 2 та йўлланмани кўлга киритди.

Чипталарнинг бозори чаққон

Жорий йил Бразилияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати учун чиқарилган чипталарнинг учдан икки қисми 15 апрель кунига қадар сотиб бўлинган.



«БРАЗИЛИЯ — 2014»

Бу ҳақда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА маълумот тарқатди. Шу тарихи жаҳон чемпионатининг очилиш маросими, иккита ярим финал ҳамда финал учрашувидан ташқари, барча ўйинлар учун чиқарилган чипталар ўз эгаларини топди. Қолган тўртта беллашувнинг билетлари 15 апрель кунига қадар сотиб бўлинган.

Мундиалнинг энг тез сотилган чипталари Бразилия, Англия, Германия ва АҚШ терма жамоалари иштирокидаги ўйинларнинг билетлари бўлди. Энг кўп чипталарни эса мезбонлардан ташқари, АҚШ, Австралия, Колумбия ва Аргентина мамлакатлари фуқаролари сотиб олишди.


Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ташкилотчилар мазкур жаҳон чемпионати учун жами 3,3 миллион дона чипта сотишни режалаштирган. Шундан 400 минг донаси мезбон мамлакат фуқаролари ҳамда мусобақа кўнлари стадионларда хизмат кўрсатадиган ишчи-ходимлар учун ажратилган.

Билетларнинг энг арзони 15 АҚШ долларига тенг бўлиб, уларни фақат бразилиялик мухлислар сотиб олишлари мумкин. Хорижликлар учун эса энг арзон чипта 90 АҚШ доллари миқдоридида белгиланган.

Сўнгги раунд...

диган турли сўзлар қўлади. Аслида, бокс оламида бундай қилғиқлар тез-тез учраб туради.

У Маниладаги жангни ҳам руҳий зарба беришдан бошлади. Одатга кўра, голибга аталган кубок рингга олиб кирилиб, беллашув қоидалари ва бошқа маълумотлар эълон қилинаётганида. Шу паллада Али "ярим ҳазил, ярим чин", деганларидек, совринни кўтариб, ўзи жойлашган бурчакка олиб келиб қўйди. Албатта, кубок дарҳол жойига қайтарилди. Аммо шу қисқанга "саҳна кўриниши" орқали Али кўпчилиқнинг эътиборини ўзига тортишга эришди.



...Ниҳоят, рефери жангга руҳсат берди. Ҳар бир раунд, бокс атамаси билан айтганда, "хук", "апшеркот"ларнинг мурасосиз алмашинуви тарзида кечар, устунлик гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб туради. Дастлаб Али ўз фаолияти билан ажралиб турди. Жанг ўрталарига келиб, Фрейзер рақиб танасининг жигар қисмига кучли зарбалар бериб, мувозанатни ўз томонига оғдириб олди. Охириги 3-4-раундда омад Мухаммад Али томонида бўлди. У бир

давом эттирди. 14-раундда Али Жонинг бошига бир неча бор тўғридан-тўғри зарба йўллади. Бирок бардошли рақиб деярли ҳимояланмасдан, ҳужум қилишда давом этарди. Раунд охирида ҳар икки тарафнинг тинчмадори бутунлай куриб битди. Танаффус вақтида Жонинг мураббийси унга баҳсини давом эттира олмаслигини айтди. Чунки жароҳат туфайли чап қўзи деярли юмилиб қолганди. Аммо Жо буни тан олмасдан, ҳал қилувчи раундда иштирок эта олиши мумкинлигини уқтиришга уринди. Шунда мураббий унга бармоғини кўрсатиб, "бу нечи?"

деб сўради. Жо "бир" дея жаवоб қайтарди. Шундан сўнг мураббий иккиланмасдан реферига мурожаат қилди ва баҳсини тўхтатишни сўради.

Энг қизик жиҳати, рингнинг нариги тарафида ҳам шунга ўхшаш ҳолат ҳукмрон эди. Яъни 14-раунд тугаши билан ўз бурчагига аранг этиб борган Али секундантларига "Жуда чарчадим, кўлқопимни ечинлар", дейди. У сўнги раундга чиқа олмайдиган дара-

даво қайтарди. Шундан сўнг мураббий иккиланмасдан реферига мурожаат қилди ва баҳсини тўхтатишни сўради.

Энг қизик жиҳати, рингнинг нариги тарафида ҳам шунга ўхшаш ҳолат ҳукмрон эди. Яъни 14-раунд тугаши билан ўз бурчагига аранг этиб борган Али секундантларига "Жуда чарчадим, кўлқопимни ечинлар", дейди. У сўнги раундга чиқа олмайдиган дара-

Санджон МАХСУМОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛҲАТЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5